Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2014-yil 20-sentabr, shanba № 117 (3466)

Ўз ҳаётимизни Ватан истиқболи, фаровон келажаги учун бағишлаб яшаш инсоний ва фуқаролик бурчимиздир.

Ислом КАРИМОВ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

Андижон шаҳридаги «Шарқ юлдузи» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган стол, стул, парта, эшик-ром каби йигирма турдаги маҳсулотлар сифати ва арзонлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.



«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ТАМҒАСИ БИЛАН

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2009 йил 15 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим омил бўлаётир.

Корхонага илғор технологияларни жорий этишда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Андижон вилояти бўлимидан олинган 300 миллион сўмлик кредит қўл келди. Хориждан келтирилган эшик ва ромларга гул босадиган махсус ускуна ёрдамида маҳсулот сифати ва дизайни янада яхшиланди.

— Асосий эътиборни маҳсулот сифати ва таннархи арзон бўлишига қаратмоқдамиз, — дейди жамият раҳбари Сарварбек Салоҳиддинов. — Шу боис қурилиш ташкилотлари, айниқса, таълим муассасаларидан кўплаб буюртмалар тушмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 1 миллиард 700 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уйлар учун эшик-ромлар етказиб бериш бўйича 12 қурилиш ташкилоти билан шартнома имзоланган. Айни кунга қадар умумий қиймати 352 миллион сўм бўлган 1500 дан зиёд эшик-ром буюртмачиларга етказиб берилди.

— «Шарқ юлдузи»да ишлаб чиқарилаётган эшик-ромлар қулай ва сифатли бўлгани учун мана, бир неча йилдирки, ўзимиз барпо этаётган уй-жойларга ўрнатамиз, — дейди Андижон шаҳридаги «Барака-файз ихтисослашган қурилиш» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шуҳратбек Ёқуббеков. — Мижозларимиз ҳам айнан шу корхона маҳсулотлари бўлишини сўрайди.

Айни пайтда корхонада болалар учун стол-стул, шкаф ва кроват етказиб бериш бўйича бир қатор мактабгача таълим муассасалари билан шартномалар тузилаётир. Бу 22 нафар киши меҳнат қилаётган корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш имконини беради.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

Суратларда: корхона ишчиси Отабек Маҳмудов; корхона маҳсулотлари.

ЎзА фотомухбири
Зухриддин УМУРЗОҚОВ
олган суратлар

Жараён

Деҳқоннинг қалб қўри, пешона терини бўлиқ кўсакларга жамлаган пахта пишиб етилди. Ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай, қисқа фурсатларда териб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Рағбат руҳлантиради

Самарқанд вилоят ҳокимлиги, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бу борада махсус қарорлари қабул қилинган бўлиб, терим иштирокчиларига шарт-шароит яратиш ва моддий рағбатлантириш тизимли тарзда амалга оширилаётир.

Касаба уюшмалари томонидан тузилган махсус гуруҳ теримчилар учун яратилган шарт-шароит устидан қатъий назорат олиб бораётир. Муҳими, ҳар бир кишининг бир кунлик истеъмол нормаси ишлаб чиқилиб, захира яратилди. Бундан ташқари, ҳар беш иш кунида терилган пахта учун ҳақ тўлаб бериш тартиби жорий этилди. Дала юмушларида қатнашаётган теримчиларни рағбатлантириш тизимига кўра, ҳар беш кунда 31 та совриндор тақдирланади. «Энг илғор туман», «Илғор муқобил МТП», «Илғор фермер хўжалиги», «Илғор маҳалла», «Илғор отряд раҳбари», «Илғор теримчи» йўналишида рағбатлантирилади.

— Туманимиздаги Янгиобод, Оқдарё, Бобур муқобил машина трактор парки ҳудудларидаги фермер хўжаликлари далаларида иккита кўчма авто дўкон, ётоқдаги ҳашарчилар учун ўнга яқин савдо нуқталари ташкил этдик, — дейди «Оқдарё ИЧС» МЧЖ раиси Тўлқин Мирходиев. — Теримчиларга 32 турдаги озиқ-овқат ва ноозиқовқат маҳсулотлари етказиб берилаётир.

Дарвоқе, вилоятда юзга яқин кўчма савдо дўконлари, «Дамас» автомашинасида 48 турдаги дори-дармонларни жамлаган кўчма дорихоналар ташкил этилди.

— Пахта йиғим теримида иштирок этганим ҳар томонлама фойда бўлаётир, — дейди иштихонлик фуқаро Зарҳол Рустамова. — Мавсумий шартномада барча ваколатларим кафолатланагани, айниқса, менга маъқул бўлди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Сайхунободлик «Жумон ота» фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Абдухоликовга бугун кўпчиликнинг ҳаваси келяпти. Гап шундаки, фермер белгиланган режани қисқа фурсатда бажариб қўйди. Бу муваффақиятга терим машиналаридан унумли фойдаланганлиги туфайли эришди. 31 гектар майдондаги пахта 3 та терим машинаси ёрдамида йиғиб олинди.

Фақат машина билан

— Машиналар шарофати билан ҳосил биринчи навга топширилмоқда, — дейди фермер Б.Абдухоликов, — Қолаверса, иқтисодимиз ҳам юксалади. Тежаб қолинган маблағ моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, шунингдек, аъзоларни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Давлат хазинасига пахта толасини сотишдан тушадиган валюта миқдорини янада оширишда жаҳон бозорида харидоргир, рақобатбардош пахта хомашёси етиштириш муҳим аҳамиятга эга. Пахтани механизация ёрдамида теришга қаратилган ишлар негизида ҳам пахтачиликни ривожлантириш, миришкорларга кўмак бериш мақсади мужассам.

Мавсумда 100 тонна пахта терган операторларга «Дамас» машинаси, ҳосил режасини машина ёрдамида бажарган фермер раҳбарларига эса «Нексия» автомобили топшириш кўзда тутилган. Демак, қаҳрамонимиз Баҳодир акага ҳозирданоқ «Мукофот муборак!» деб айтишимиз мумкин.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Сайлов — 2014

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2014 йилда бўлиб ўтадиган сайловларни ёритиш бўйича республика матбуот марказини ташкил этишга оид масала кўриб чиқилди.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарган йиғилишда сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси, уни юқори савияда ўтказиш ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга молик масала эканлиги таъкидланди. Айниқса, бу жараёнда ошкоралиги таъминлаш фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишига, мамлакатимизнинг демократия йўлидан янада тараққий этишига хизмат қилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси 2014 йилги сайлов жараёнини ёритиш бўйича республика матбуот марказини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Матбуот марказининг асосий вазифаларидан бири мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари ходимларига сайловга тайёргарлик кўриш ва сайлов жараёнини ёритиш, ахборот олиш ва уни тарқатиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратишдир. 2014 йилги сайлов жараёнини ёритиш бўйича матбуот маркази Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 16-уйдаги Ўзбекистон Миллий матбуот маркази биносига жойлаштирилди. Бу ерда журналистларнинг сайлов жараёнининг барча босқичларини самарали ёритиш борасидаги фаолияти учун барча шарт-шароит яратилган.

Сайловларнинг боришини ёритиш истагида бўлган оммавий ахборот воситалари вакиллари Марказий сайлов комиссиясида белгиланган тартибда аккредитациядан ўтиши керак. Аккредитациядан ўтиш тартиби билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг www.elections.uz расмий сайти орқали танишиш мумкин. Тегишли тартибда аккредитациядан ўтган журналистлар Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказиладиган брифинг ва матбуот анжуманларида иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Йиғилишда 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастурида кўзда тутилган бошқа масалалар кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, дастур доирасидаги барча тадбирлар сайлов қонунчилиги талабларига қатъий мувофиқ тарзда амалга оширилмоқда.

Мажлисда комиссия ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

ЎзА

Осиё ўйинлари — 2014

Осиё ўйинлари бошланди

ИНЧЕОН. 19 сентябр. ЎзА махсус мухбири Меҳрибон МАМЕТОВА хабар қилади.

Жанубий Кореянинг энг гўзал шаҳарларидан бири Инчеонда XVII Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Спорт ишқибозларининг Осиё ўйинларига бўлган қизиқиши йилдан-йилга ортиб бораётир. Ушбу спорт беллашувлари мамлакатлар ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлаб, қитъамизда спорт нечоғли ривожланиб бораётганини ифода этади. Осиё Олимпия кенгаши шафелигида ўтказиб келинаётган ушбу муҳим мусобақага Корея Республикаси учинчи бор мезбонлик қилмоқда. Осиё ўйинлари 1986 йил Сеулда, 2002 йил Пусанда бўлиб ўтган эди. Жорий йилда XVII ёзги Осиё ўйинларини ўтказиш ҳуқуқини машҳур порт шаҳар — Инчеон қўлга киритди. Бу ерда Осиё қитъасининг 45 мамлакатидан 13 мингдан зиёд спортчи ва делегация аъзоларини қабул қилиш учун кенг кўламли тайёргарлик ишлари амалга оширилган.

Инчеон шаҳридаги марказий стадионда очилиш маросими тантаналари бошланди. Маросимнинг энг ҳаяжонли ва қизиқарли қисми — бу мусобақаларда иштирок этадиган мамлакатлар спорт делегацияларининг парадидир.

...Марказий стадионга Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини баланд тутган машҳур спортчимиз — Олимпия ўйинларининг икки карра совриндори, икки карра жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби, дзюдочи Ришод Собиров кириб келади. Байроғимиз ортидан одимлаётган спортчи қизларимиз, алпқомат йигитларимиз орасида нуфузли халқаро мусобақаларда Ватанимиз довруғини ёяётган чарм қўлқоп усталари М.Абдуллаев, Х.Дўстматов, О.Мамазулунов, дзюдочилар Д.Чориев, С.Қурбонов, Н.Жўрақобилов, М.Фармонов, оғир атлетикачилар У.Алимов, Р.Нурудинов, енгил атлетикачилар И.Зайцев, А.Свечникова, С.Радзивил, сузувчилар А.Дерлюгов, Р.Аманова, Ю.Қўчқорова, теннисчилар Д.Истомин, Ф.Дўстов, О.Омонмуродова ва бошқалар бор.

Делегациямиз таркибидаги жами 228 спортчи 32 спорт тури бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади. Уларнинг қаддини баланд тутиши ва ўз кучига бўлган ишончи янги марраларни забт этишга аҳд қилганидан далолат беради.

Ўзбекистон спортчилари халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда. Уларни нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатларда ҳам яхши танишади.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир. Ушбу эзгу мақсадга эришиш учун мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Аввало, жисмонан бақувват, соғлом болаларни вояга етказиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Бу жараёнда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси муҳим ўрин тутмоқда. Жамғарманинг самарали фаолияти натижасида спорт ҳақиқатан ҳам оммавий, умумхалқ ҳаракатига, ёш авлод ҳаётининг ажралмас қисмига айланди.

Бугун мамлакатимизда 2 миллионга яқин бола спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Спорт таълим ва тарбия жараёни билан чамбарчас боғлиқ ҳолда изчил ривожланиб бормоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан ўтказиб келинаётган уч босқичли ноёб спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари бунинг ёрқин исботидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда спортни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Ушбу қарорга мувофиқ спортчиларимизга замонавий меъёр ва стандартлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш, тажриба ва маҳоратини ошириш, халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиши учун барча зарур шароитлар яратилди.

(Давоми 2-саҳифада).

Давлат дастури ижроси доирасида

Самарқанд вилояти ахборот-ресурс марказида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Болалар китоби» фестивали ташкил этилди.

КИТОБЛАР ФЕСТИВАЛИ

Вилоят халқ таълими, матбуот ва ахборот бошқармалари ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида «Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажаги!» шиори остида ўтказилаётган тадбирда китоб савдоси билан шуғулланувчи корхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, халқ таълими муассасалари томонидан адабий, илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий китоблар, дарслик ва ўқув қўлланмалари намойиш этилмоқда.

— Президентимиз раҳнамолигида адабиётга, маънавиятга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида замонавий матбаа корхоналари ташкил этилиб, юқори сифатли китоблар нашр этиш йўлга қўйилмоқда, — дейди вилоят ахборот-ресурс маркази раҳбари Юсуф Муҳаммадиев. — Шаҳар ва қишлоқлар, таълим муассасаларидаги ахборот-ресурс марказлари янги адабиётлар, дарсликлар билан таъминланаётир. Мазкур фестивал бу борадаги тажрибаларни ўрганиш ва кенг оммалаштириш, ўқувчи-ёшларни янги чоп этилаётган китоблар билан таништириш орқали улар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Тадбирда қатнашган умумтаълим мактаблари ўқувчилари матбаа корхоналари томонидан чоп этилган янги китоблар билан танишди, вилоят ахборот-ресурс марказига аъзо бўлди.

Фестивал доирасида самарқандлик шоир ва ёзувчилар билан ижодий учрашувлар, янги китоблар тақдимотлари, кўрик-танловлар ўтказилди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.
ЎзА фотомухбири
Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат

Ishonch
2014-yil 20-sentabr № 117 (3466)

ТАШҚИ БОЗОРДА ХАРИДОРГИР

Наманган вилояти Чуст туманида фаолият кўрсатаётган «Chust textile» масъулияти чекланган жамияти иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бораётир.

Техник ва технологик янгиланишлардан сўнг ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини оширган корхонада 520 нафардан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда. Йилига икки ярим миллион дона трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар ташқи бозорда ҳам харидоргир.

Суратда: ишчи — Насиба Абдуллаева.

ЎзА фотомухбири Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат

Эҳтиром

Меҳнатдаги ютуқ ходим кайфияти, саломатлигига ҳам боғлиқ. Руҳан тетик одам унумли ишлайди, муваффақиятларга замин яратади. Ана шу жиҳатларни инобатга олган касаба уюшмалари ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириш, саломатлигини тиклаш учун кенг имкониятлар яратиб бермоқда.

Мароқли дам хосияти

— Сир эмас, илгари ёзги таътилда зўрға 15-16 нафар ўқитувчини сиҳатгоҳда дам олдирардик, — дейди таълим, фан ва маданият ходимлари Тойлоқ туман кенгаши раиси Мирзамурод Норбўтаев. — Битта сиҳатгоҳ йўлланмаси учун бўзчининг мокисидек неча қайталаб вилоятга қатнашга тўғри келган. Эндиликда амалга оширилган ислоҳотлар боис муаммога ўрин қолмади. Меҳнаткашларга яратилган афзалликлардан яна бири, дам олиб қайтган киши аввалгидек беш йил имтиёзли йўлланма кутмайди. Мана икки йилдирки, дам олишни истовчи ҳеч бир ўқитувчининг шашти қайтарилгани йўқ. Жорий йилда туманимиз устозмураббийларидан 40 нафардан зиёди республикамиздаги турли сиҳатгоҳларда саломатликларини мустаҳкамлади.

32-умумтаълим мактаби рус тили ўқитувчиси Ибодулла Эшонқулов меҳнатидан қадр топганлардан. Фидойи мураббий болаларга сабоқ беришда илғор услубларни жорий этишга интилади. Тирик жон-да, руҳиятда бироз чарчоқ сезилиб қоляпти. Бундан бир неча йил олдин бир-икки бор дам олишга чоғланиб кўрди. Аммо... Жорий йилда тармоқ касаба уюшмаси раҳбари билан бир тадбирда учрашганда, бу ҳақда гап очди.

— Имкон топган кунингиз қўлингизда касаба уюшмаларининг имтиёзли йўлланмаси бўлади. Бу масалада ҳеч ийманиб ўтирманг, —деди раис.

У меҳнат таътилига чиққан куни бошланғич ташкилотга ариза берди. Бир ҳафтадан сўнг мамнун ҳолда Тошкентга жўнади.

— «Турон» сиҳатгоҳида мириқиб дам олдим, —дейди Ибодулла Эшонқулов. — У ерда мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган ҳамкасблар билан танишдик. Муҳими, сиҳатгоҳда дам олувчиларга яратилган шарт-шароит боис, руҳим жуда енгил тортди.

Дарвоқе, тармоқ ходимларидан 25 нафари «Устоз» сиҳатгоҳида дам олдирилди, 45 киши Тошкент шаҳрига саёҳатга юборилди. 20 нафар ўқитувчи эса юртимизнинг мўъжизакор табиатидан баҳраманд бўлди.

Ўз мухбиримиз

ҚУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

Шофиркон туманидаги «Боғиафзал» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 16-умумтаълим ўрта мактаби учун қурилган қўшимча ўқув биноси аҳолига катта қувонч бағишлади.

Уни «Хўжа Ғуломте» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари қуриб фойдаланишга топширди. Бу ерда ўқувчиларнинг пухта билим олишлари, амалий машғулотлардан тўла баҳраманд бўлишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Бошланғичда нима гап?

Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Жиззах вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларида меҳнат қилаётган мутахассис ва уларнинг фарзандлари учун Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги қўшалоқ қувонч келтирди.

Мурғак қалблар қувончи

Истиқлол байрами ва «Билимлар куни» муносабати билан соҳа ходимларининг биринчи синфга ўқишга қабул қилинган 14 нафар фарзандига Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси бошланғич касаба уюшма ташкилотининг эсдалик совғалари топширилди.

— Соғлом турмуш тарзи, оила мустаҳкамлиги, баркамол авлодни тарбиялашдаги фаол иштирокингиз ҳамиша эътиборда ва эъзозда, — деди отаоналар иштирокида бўлиб ўтган тадбирда бошқарма бошлиғи Абдуқодир Раимқулов. — Жажжи фарзандларимизнинг нурли чеҳрасида ёрқин келажагимиз уфуриб турар экан, бундан доимо қалбларимиз ғурур ва ифтихорга тўлади.

Наргиза ДОНАБОЕВА, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Жиззах вилоят бошқармаси бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

Осиё ўйинлари бошланди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

...Мухлислар ўзбекистонлик спортчиларни қизғин олқишлар билан кутиб оладилар. 62 минг томошабин орасида йигит-қизларимизни қўллаб-қувватлаш учун келган ҳамюртларимиз ҳам кўп. Жанубий кореяликлар ҳам спортчиларимизга алоҳида хайрихоҳлик билдираётгани диққатга сазовордир. Улар жамоамиз аъзоларига улкан зафарлар тиламоқда.

Олимпия ҳаракати ривожига салмоқли ҳисса қўшаётган Ўзбекистон спортчилари учун Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этиш устувор вазифалардан биридир. Осиё ўйинлари ташкилий қўмитаси томонидан Ўзбекистон Марказий Осиёда спорти ривожланган марказ сифатида стратегик муҳим мамлакатлар қаторига киритилган.

...Стадионда қитъамизнинг 45 мамлакати спортчилари саф тортди.

Осиё Олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад ал-Фаҳд ас-Сабоҳ барчани ушбу спорт байрами билан қутлади. Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ Осиё ўйинларини расман очиқ деб эълон қилди.

Осиё ўйинлари мадҳияси янграб, XVII ёзги Осиё ўйинлари байроғи кўтарилди. Спортчилар ва ҳакамлар қасамёд қабул қилди. Ўйинларнинг муваффақиятли ўтиши, халқлар ўртасида тинчлик, ҳамжиҳатлик ва фаровонлик рамзи сифатида машъалани ёқиш очилиш маросимининг энг ҳаяжонли дамлари бўлди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистон спортчилари қитъамизда ўз ўрнига эга бўлди. 1994 йил Хиросимада (Япония) бўлиб ўтган XII Осиё ўйинларида илк бор иштирок этган спортчиларимиз юксак натижаларга эришди. Ўзбекистонлик футболчилар ушбу нуфузли турнирда ғалаба қозонгани барча спорт ишқибозларининг ҳалигача ёдида. Умуман олганда, спортчиларимиз Хиросимада Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, жами 40 медални қўлга киритди ва умумжамоа ҳисобида 42 давлат орасида бешинчи ўринни эгаллади.

1998 йили Бангкокда (Таиланд) ўтказилган XIII Осиё ўйинларида Ўзбекистон спортчилари жами 40 медални қўлга киритди ва 44 мамлакат орасида саккизинчи ўринга сазовор бўлди.

2002 йили Пусанда ўтган XIV Осиё ўйинларида Ўзбекистондан спортнинг 24 тури бўйича 175 спортчи қатнашди. Мусобақаларда ҳамюртларимиз қўлга киритган 51 медалнинг 15 таси олтин эди. Умумжамоа ҳисобида мамлакатимиз бешинчи ўринни эгаллади.

2006 йили Доҳада (Қатар) ўтган XV ёзги Осиё ўйинларида спортнинг 31 тури бўйича 238 вакилимиз иштирок этди. Полвонларимиз Осиё ўйинлари дастурига намойиш турнири сифатида биринчи марта киритилган кураш беллашувларида ҳам қатнашди. Улар жами 39 медал, жумладан, 10 олтин медалга сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида еттинчи ўринни қўлга киритди.

Гуанчжоуда бўлиб ўтган XVI ёзги Осиё ўйинларида 200 нафардан зиёд спортчимиз 32 спорт тури бўйича иштирок этди. Улар енгил атлетика, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, дзюдо, бокс, эркин кураш, шахмат, трамполин, спорт ва бадиий гимнастика каби спорт турларида муваффақият қозонди. Мамлакатимиз спортчилари жами 56 медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида саккизинчи ўринни эгаллади.

Шундай қилиб, XVII ёзги Осиё ўйинлари бошланди. Олдинда кўплаб мусобақалар бўлиб ўтади. Спортчиларимизга юксак ғалабаларни қўлга киритиш ва медалларга сазовор бўлишда омад тилаймиз.

ЎзА

Иқтисодиёт

Фарғонада иқтисодиётда тадбиркорлик тараққиёти ва инвестициявий имкониятларнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Фарғона вилояти адлия бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, тижорат банклари ходимлари иштирок этди.

— Президентимиз раҳнамолигида барқарор ишбилармонлик муҳити ва қулай инвестиция иқлими яратилишида бир қатор фармон ва қарорлар муҳим омил бўлди, — дейди вилоят адлия бошқармаси тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Жаҳонгир Узоқов. — Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги оширилди. Тадбиркорлик фаолиятини юритиш шароитлари яхшиланди. Ўтган даврда тадбиркорлик йўналишида қонунбузилишлар ва уларни келтириб чиқарувчи ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тегишли идораларга 122 тақдимнома ва 145 огоҳнома киритилди. Тадбиркорлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг манфаатини кўзлаб, судларга 58 даъво аризалари киритилди.

Анжуманда соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, тадбиркорлар билан ўтказилаётган «Очиқ эшиклар куни», «Ягона ойна» марказлари фаолияти, ишбилармонлар учун яратилаётган имтиёз ва кафолатлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

ЎзА

Эътибор

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда умумхалқ ва касб байрамлари муносабати билан Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда хизмат қилаётган 35 нафар ишчи-хизматчиларга саломатликларини тиклаш мақсадида касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга 22 млн. 668.4 минг сўмлик бепул йўлланмалар берилди.

УСТОЗЛАР ОМОН БЎЛСИН!

Инсон камолида устоз ва мураббийларнинг ўрни беқиёс. Шу боис таълим соҳаси ходимларидан 13 нафарига ижтимоий суғурта бюджети маблағларидан 7млн. 953.7 минг сўмлик санаторий йўлланмалари бепул ажратилди. Бундан ташқари, 1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан вилоятимиздаги таълим соҳаси ходимларидан 2 нафарига «Умид гулшани» санаторийсида бепул соғломлаштириш режалаштирилган. Бу — касаба уюшмаларининг устоз ва мураббийларга бўлган эътиборининг яна бир кўринишидир.

Зайниддин МИСЛИМОВ, Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ижтимоий суғурта бўлими мудири

«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» республика танловига

Полвонлар

МУҚАДДИМА

Ҳар йили Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Полвонлар миллий энциклопедияси жамияти томонидан Республика умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Сиз полвонларингизни биласизми?» мавзуида танлов ўтказилади. Ўтган йилги танловда қашқадарёлик Рўзиқул полвон Маҳмудов махсус кубокка сазовор бўлди. Чунки, тақдим этилган маълумотлар ҳакамлар ҳайъатининг эътиборини қозонди...

ШАЖАРА

Танлов шартига кўра, иштирокчилар ҳакамлар ҳайъатига шажарасида ўтган полвон боболари, бобокалонлари ҳамда бугунги кунда майдонда ор талашаётган авлодлари ҳақида тўлақонли маълумот тақдим этиши даркор бўлиб, шунга кўра, Рўзиқул Маҳмудов бобокалони Райимқул Ортиқовнинг полвонлар шажарасини тузиб чиқди ва салкам унут бўлаётган хотиралар қайта тикланди, пировардида, шажара вакили «Биллур соврин» билан тақдирланди.

Биз юқорида тилга олган Райимқул полвон мақоламиз бош қаҳрамони Рўзиқул алпнинг бобокалони бўлса, Райимқулнинг бобосини Холмамат полвон дейишган. (Шажара маълумотлари айнан Бегматов Холмамат полвондан бошланган бўлиб, у кишининг таваллуд санаси 1796 йил деб кўрсатилган).

Холмамат қўнғиротлик бўлиб, ёшлигида карвончиларга эргашиб, сафарга чиққан экан. Ўспирин йигит Кўқдаланинг Бекламиш қишлоғида икки-уч кун тунайди ва бир бойникида ишлаб қолади. Оёқ-қўли чаққон бола ўзининг меҳнатсеварлиги билан хожасининг кўнглидан жой эгаллайди. Бир куни бой Холмаматни чақириб, «Сенга улоқ чопадиган этик тиктириб қўйдим. Ўзинг яхши кўрадиган қора қашқа от ҳам сенга. Бундан буён кўпкариларда омадингни синаб кўр. Сендан умидим катта», дейди. Шу тариқа бой буванинг дуосини олиб, улоққа кирган Холмамат кетма-кет зотларни қўлга кирита бошлайди. Бўйи-басти келишган, вазни ҳам тош босадиган чавандоз шу-шу полвон номини олиб, эл тилига тушади.

Холмамат полвоннинг ўғли Ортиқ чопағонга эса шундай таъриф берилади: «Ортиқ полвон даврада ҳар қандай зўр билан курашиб, йиқитмаса даврадан чиқмаган. Кўпкарили тўйда ўнта қора қўйилса, шунинг тўққизтасини олган алп чавандоз бўлган. Шул боис, унга «қорачи» деган лақаб беришган...»

«Тегирмон навбати билан...» дейишганидек таъриф навбати Райимқул полвонга келди.

Бир куни қўшни қишлоқда катта тўйкураш бўлади. Кураш қизиган пайти Райимқулнинг жўралари унинг ёқасидан олишди: «Нега ўтирибсан? Тур. Сенинг ота-боболаринг полвон ўтган бўлса, чиқиб қишлоғимиз шаънини ҳимоя қилмайсанми?!» Ори кучлилик қолган Райимқул шартта туриб давра ўртасидаги биринчи «тавоқ»ни қўлига олди. Келбатидан от ҳуркадиган қаҳрамонимизга рақиб бўлиб, Амир Олимхоннинг полвонларидан бири чиқди. Тилдан-тилга ўтган хотираларга кўра, ўшанда ҳали даврага чиқиб биров билан бир марта ҳам ушлашмаган Райимқул рақибига «туячил» солиб, ҳалол йиқитган ва бош совринни қўлга киритган экан.

Райимқулнинг ўғли Авазнинг ҳам баланд бўйли, кенг яғринли, оғирлиги юз килодан кам бўлмаган баҳодир ўтганлиги ҳақида ҳикоялар айтилади...

Авазнинг ўғлини Маҳмуд полвон дейдилар. Маҳмуд Авазов боболари каби кураш ёки кўпкари майдонида ўзини кўрсата олмаган. Чунки унинг навқиронлик даври Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келиб, Маҳмуд 1944 йилгача фронтда қон кечди. Урушдан етти жойидан жароҳатланиб қайтган Маҳмуд умрининг охиригача эл-улус ва жамият хизматида бўлди, солиҳ фарзандлар тарбиялади...

РЎЗИҚУЛ АЛП

Ниҳоят, шажаранинг олтинчи вакили Рўзиқул полвон туфайли ота армонлари ушалди. У барча ҳавас қилган курашчи бўлиб етишди. Рўзиқул Қарши педагогика билим юртида (ҳозирда коллеж) ўқиб юрган кезларида ўз даврининг машҳур полвонлари бўлган Сайфулла Расулов ҳамда Владимир Малковдан спорт сир-асрорларини пухта ўрганди.

1973 йилда илк фаолиятини ўзи ўқиган мактабда ўқитувчиликдан бошлади. Бироқ полвоннинг билимга чанқоқлиги, спортда ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаш орзуси уни Қарши давлат университетига етаклади. Талабалик йилларида дзюдо, самбо ва миллий кураш билан жиддий шуғулланиб, вилоят, республика ҳамда халқаро миқёсдаги мусобақаларда қатнашди, тўйкурашларда даврининг энг олди полвонлари сафида бўлди.

1977 йилда дзюдо бўйича республика чемпионлигига эришиб, «спорт устаси» талабини бажарган бўлса, 1978 йилда «Тошкент оқшоми» газетаси соврини учун ўтган самбо бўйича халқаро турнирда зафар қучди. Олий ўқув юртини тамомлагач, Рўзиқул Маҳмудовнинг серқирра мураббийлик фаолиятига кенг йўл очилди.

1987-1992 йилларда 119-мактабда ўқитувчи бўлиб меҳнат қилиш билан бир қаторда Бекламиш қишлоғидаги қаровсиз бинода спорт зали ташкил этиб, ёшларга кураш сирларини ўргатди. Қарабсизки, туман марказидан анча узоқ бўлган чекка бир қишлоқдан яхшияхши спортчилар, полвонлар етишиб чиқа бошлади. Муҳаммад Қодиров, Қилич Авазов, Низом Юсупов, Носир Долиев, Бойхон Дўстмуродов, Эшназар Собиров, Кенжа Жалилов каби ўнлаб полвонлар шулар жумласидандир.

1992 йилда Кўқдала хўжалиги ҳудудидаги 2-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига директорликка тайинланган Рўзиқул полвон бу лавозимда йигирма йилдан зиёдроқ меҳнат қилди. Унинг саъй-ҳаракати билан чекка қишлоқларда болалар спортини ривожлантириш, хотин-қизлар ўртасида жисмоний тарбияни оммалаштириш, истеъдодларни саралаб, уларнинг турли мусобақаларда иштирокини таъминлаш ва спорт зафарларига эришиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Рўзиқул полвоннинг бугун ҳам фахрийлар ўртасидаги мусобақаларда фаол қатнашиб, ёшларга намуна бўлаётгани эътиборли. У бир неча бор касаба уюшмалари томонидан ўтказилган кураш баҳсларида мутлақ вазнда ғолиб чиққан. Шунингдек, 2005 ва 2007 йилларда Термиз шаҳрида ўтган фахрийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида фахрли ўриндан жой эгаллаган.

Инсон толеи ҳақида сўз кетганда, унинг оиласи, фарзандлари камоли барчани қизиқтириши бор гап. Қаҳрамонимиз Рўзиқул Маҳмудов ва Улбош момо Рўзиева хонадонида саккиз фарзанд — олти ўғил ва икки қиз вояга етди. Не бахтки, ўғилларнинг барчаси ота-боболари сингари полвон бўлди. Қарасанг, келбатидан кўзинг қувнайдиган, кўришсанг қўлинг, курашини томоша қилсанг, кўнглинг тўладиган азаматлар вояга етди. Ота-ку, курашнинг ҳақиқий фидойиси экан, аммо онаси Улбош момонинг мухлислиги, ишқибозлиги уникидан асло кам бўлмади. «Ўғилларим машқ қилганда бирор ери лат емасин», дея қават-қават кўрпа тўшаб, катта уйни жиҳозлади онаизор. Ташқарида қор, изғирин. «Болаларим шамолламасин» дея печкага ўт қалади бу муштипар. Бу шароит қишлоқ болаларини беэътибор қолдирармиди? Албатта, йўқ. Шунинг учун Рўзиқул аканинг меҳмонларга дея солинган кенггина уйи Бекламиш қишлоғи болаларининг севимли спорт «аренаси»га айланганига ҳайрон бўлмасак ҳам бўлади.

Бағрикенг ота-она болаларнинг қийчувидан сира оғринмас, аксинча, фарзандлари қатори қишлоқ болалари қалбида спортга муҳаббат шаклланаётганидан, бўш вақти ҳуда-беҳудага эмас, мақсадли ва мазмунли ўтаётганидан бошлари осмонга етди. Шу тариқа ўғиллар — Фахриддин, Жаҳонгир, Шерзод, Чориёр, Панжи, Марс, қизлари Венера, Элмира — барчаси спортсевар бўлди. Спортчи бўлгандаям, оддийгина бир ҳаваскор эмас, мусобақа-ю машқларда тобланган, тўйкурашларда рақибини йиқитганда олқишларга қўмилган, лекин бари камтаринлик чашмасида чўмилган азаматлар бўлишди. Уларга мухтасар шарҳ берадиган бўлсак, тўнғич фарзанд Фахриддин чавандозликка қизиқди. «Миллион» лақабли оти бор. Шу билан бирга «Маҳмудов Фахриддин Рўзиқулович» фермер хўжалиги ишларини юргизаётир...

Жаҳонгир дзюдо кураши бўйича 73 кг. вазн тоифасида Республика чемпиони. Спорт устаси. Ҳозирги кунда Қарши Олимпия захиралари коллежида мураббий.

Шерзод ҳам самбо, дзюдо ва миллий кураш турларидан спорт устаси талабини бажарган. 1998 йилда Урганч шаҳрида миллий кураш бўйича ўтган Ўзбекистон биринчилигида зафар қучган баҳодир йигит олий ўқув юртига имтиёзли

«Navoiy mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Навоий вилоят Қизилтепа туман Молия бўлимининг 2014 йил 15 сентябрдаги 01-08-04-246-сонли буюртманомасига асосан Қизилтепа туман Ўзбекистон кўчасида сақланаётган, таъмирталаб, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 85 076 КАА бўлган, «Матиз» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 6 313 000 сўм.**

Савдо 2014 йил 24 октябр куни соат 15:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 23 октябр куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 24 октябр куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2014 йил 31 октябр куни соат 15:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: Такрорий савдо учун 2014 йил 30 октябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида тўловларни тўлиқ амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, АТ «Ипотека банк» Навоий филиали қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт. 20208000704943164001, МФО 00205, СТИР 302132768.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уй. Тел: 8 (436) 224-64-31. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 1605.

Хизматлар лицензияланган.

«Surxondaryo mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади !

Аукцион савдосига, Сурхондарё вилоят Денов туманидаги «Мирзақулов Даврон Абдурасулович» ММТПК таъсисчиларининг 02.04.2014 йилдаги №2-сонли баённомаси ҳамда «Мирзақулов Даврон Абдурасулович» ММТПКнинг 19.09.2014 йилдаги № 15-сонли буюртманомасига асосан, «Мирзақулов Даврон Абдурасулович» ММТПКга тегишли, Денов тумани, Чағанён маҳалласида сақланаётган қуйидаги автомототранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. «Газ 5204» русумли д/р 75/ 773 НАА бўлган 1988 йил и/ч таъмирталаб автомашина. **Бошланғич баҳоси — 405 000 сўм.**
2. «Газ 53 А» русумли д/р 75/ 765 НАА бўлган 1982 йил и/ч таъмирталаб автомашина. **Бошланғич баҳоси — 414 000 сўм.**
3. «Зил 130» русумли д/р 75/ 768 НАА бўлган 1982 йил и/ч таъмирталаб автомашина. **Бошланғич баҳоси — 399 000 сўм.**
4. «Газ 53 А» русумли д/р 75/ 766 НАА бўлган 1973 йил и/ч таъмирталаб автомашина. **Бошланғич баҳоси — 360 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 8 октябр куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2014 йил 8 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 24 октябр куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 8 август учун 2014 йил 6 октябр, 2014 йил 24 октябр куни учун 2014 йил 22 октябр куни соат 18:00 да.

Аукцион савдосига, Сурхондарё вилоят Қизириқ туманидаги «Рабатак» фермер хўжалигини тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган, Сурхондарё вилоят Хўжалик судининг 25.07.2013 йилдаги 19-1306/3994-сонли ҳал қилув қарорига асосан, «Рабатак» фермер хўжалиги кредиторлар йиғилишининг 09.09.2014 йилдаги № 5-сонли баённомасига асосан «Рабатак» фермер хўжалигига тегишли, Қизириқ тумани, Кунчиқиш маҳалласида сақланаётган қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникаси такроран қўйилмоқда:

1. «Т-4А-01» русумли д/р ЕШ 05-91 бўлган 2003 йил и/ч таъмирталаб трактор. **Бошланғич баҳоси — 1 471 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 10 октябр куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 10 октябр учун 2014 йил 8 октябр куни соат 18:00 да.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ММ МЧЖнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси 6-хона. Тел: (8376) 221-77-94. 25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.

Хизматлар лицензияланган.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Объектлар номи:

1. «Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Гулистон кўчасидаги сув тармоғини реконструкция қилиш ишлари».

Бошланғич нархи — **1 633 259 415 сўм ҚҚС сиз ва 1 959 911 298 сўм ҚҚС билан.**

Муддати — **60 кун.**

2. ЛОТ-1. ЛОТ 1.1. «Фарғона вилояти Бағдод тумани, Пахтаобод ҚФЙ Қашқари қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **108 397 064 сўм ҚҚС сиз, 130 076 477 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 1.2. «Фарғона вилояти Бешариқ тумани, Товул ҚФЙ Ғалича қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **108 330 398 сўм ҚҚС сиз, 129 996 477 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 1.3. «Фарғона вилояти Бешариқ тумани Обод МФЙ Бодомзор маҳалласини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **100 500 857 сўм ҚҚС сиз, 120 601 028 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 1.4. «Фарғона вилояти Бешариқ тумани, Андархон ҚФЙ Файз қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **108 060 567 сўм ҚҚС сиз, 129 672 680 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 1.5. «Фарғона вилояти Бувайда тумани, Бештерак ҚФЙ Қум қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **117 885 980 сўм ҚҚС сиз, 141 463 176 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 1.6. «Фарғона вилояти Бувайда тумани, Қўрғон МФЙ Маслаҳат қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **140 343 613сўм ҚҚС сиз, 168 412 335 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 1.7. «Фарғона вилояти Бувайда тумани, Тоғлик ҚФЙ Тоғлик қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **124 331 914 сўм ҚҚС сиз, 149 198 297 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 1.8. «Фарғона вилояти Данғара тумани, Оқжар ҚФЙ Каттатурк қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **120 741 301 сўм ҚҚС сиз, 144 889 561 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 1.9. «Фарғона вилояти Данғара тумани, Санам ҚФЙ Тўлабой қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **117 580 215 сўм ҚҚС сиз, 141 096 258 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 1.10. «Фарғона вилояти Риштон тумани, Зоҳидон ШФЙ Гулистон қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **118 576 351 сўм ҚҚС сиз, 142 291 621 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 1.11. «Фарғона вилояти Фарғона тумани, Чекшўра ҚФЙ Илғор қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **171 807 844 сўм ҚҚС сиз, 206 169 412 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 1.12. «Фарғона вилояти Фурқат тумани, Шунқор ҚФЙ Гирри қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **117 238 535 сўм ҚҚС сиз, 140 686 242 сўм ҚҚС билан.**

Муддати — **60 кун.**

3. ЛОТ-2. ЛОТ 2.1. «Фарғона вилояти Тошлоқ тумани, Акшак ҚФЙ Якковут МФЙ ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **164 665 672 сўм ҚҚС сиз, 197 598 806 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 2.2. «Фарғона вилояти Ёзёвон тумани, Чўлигулистон ҚФЙ Бўтқачи МФЙ ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **110 754 582 сўм ҚҚС сиз, 132 905 498 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 2.3. «Фарғона вилояти Фарғона тумани, Гулшан ҚФЙ Боймаҳалла қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **141 050 664 сўм ҚҚС сиз, 169 260 797 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 2.4. «Фарғона вилояти Фарғона тумани, Сойбўйи ҚФЙ Қуруқ қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **137 314 484 сўм ҚҚС сиз, 164 777 381 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 2.5. «Фарғона вилояти Фарғона тумани, Чимиён ҚФЙ Сатторобод қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **139 952 564 сўм ҚҚС сиз, 167 943 077 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 2.6. «Фарғона вилояти Қува тумани, Тинчлик МФЙ Ёшлар қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **120 623 728 сўм ҚҚС сиз, 144 748 473 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 2.7. «Фарғона вилояти Қува тумани, Шўр ҚФЙ Деҳқонобод МФЙ ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **143 687 766 сўм ҚҚС сиз, 172 425 319 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 2.8. «Фарғона вилояти Учкўприк тумани, Кенагас ҚФЙ Олмурод қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **141 163 056 сўм ҚҚС сиз, 169 395 667 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 2.9. «Фарғона вилояти Учкўприк тумани, Гозигиждон ҚФЙ Раҳимобод қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **113 269 935 сўм ҚҚС сиз, 135 923 922 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 2.10. «Фарғона вилояти Қўштепа тумани, Ғиштмон ҚФЙ Арчазор қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **99 884 331 сўм ҚҚС сиз, 119 861 197 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 2.11. «Фарғона вилояти Қўштепа тумани, Сармозор ҚФЙ Эшонгузар ШФЙ ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **161 148 201 сўм ҚҚС сиз, 193 377 841 сўм ҚҚС билан.**

Муддати — **60 кун.**

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн. сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади. 500 млн. сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича ўтказиладиган танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Қурилиш ишлари: Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Манзил: Фарғона шаҳар Темирйўл кўчаси 37, тел: (8595) 401-52-01.401-52-06.

Танлов савдосида фақат Давлат реестрга киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси, 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 98-276-25-48.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи - 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, Фарғона шаҳар, Темирйўл кўчаси, 37-уй манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН, ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилоят филиали бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

Фарғона тумани ҳокимлиги балансидаги (собиқ иссиқлик манбаига қарашли) Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Шоҳимардон Қ.Ф.Й, Шоҳимардон М.Ф.Йда жойлашган, «Дам олиш маскани» бино иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: амалда фойдаланилаётган ер майдони 2 226,47 кв.м; Қурилиш эгаллаган майдони 270,15 кв.м.;

Бошланғич нархи — 105 868 239 сўм;

Балансда сақловчи: Фарғона тумани ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилояти филиали, Фарғона ш., Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй, «Биржа» биноси, 12-хона. Тел: (8 373) 244-46-39. Факс: (8 373) 244-46-22. Веб сайт; www.1kms.uz. Электрон почта манзили: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2014 йил 22 октябр куни соат 10.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 29 октябр, 5 ноябр ва 12 ноябр кунлари соат 10.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси («Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилоят филиали)нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АТ «Халқ банки» Фарғона вилоят филиали; х/р: 20208000004920609011. МФО: 00497, СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Фарғона ш., Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй.

Маълумотлар учун телефон: (8 373) 244-46-39. Факс: (8 373) 244-46-22.

Электрон почта манзили: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

ХОНАДОНИ

кириш ҳуқуқига эга бўлди ва Қарши давлат университетида таҳсил олди. Айни пайтда ички ишлар соҳасида меҳнат қилмоқда.

Чориёр ҳам яхши полвон эрса-да, ижтимоий фанларга бўлган қизиқиши уни ҚарДУнинг тарих факултетига бошлади. Бугунги кунда у ҳам ички ишлар ходими...

Рўзиқул полвоннинг бир эзгу ишини алоҳида таъкидламаса бўлмас. У фарзандидаги қизиқиш ва шижоатни қўллаб-қувватлайдиган, маҳорат ва малаканинг ошиб бориши учун қўлидан келганча шароит яратадиган ота, қийин кунлар ортидан албатта ёруғ ва ойдин лаҳзалар келишини қалбан ҳис эта оладиган мураббийлар сирасидандир. Бешинчи ўғил Панжининг спортга муҳаббат ва лаёқатини теран англаган фахрий полвон уни Чирчиқ Олимпия захиралари коллежига ўқишга берди. Панжи мусофирлик ва мураббийлар сабоғидан зуваласи пишиқ йигит бўлиб камолга етди. У ҳам Қарши давлат университетида таҳсил олиб, айни чоғда масъулиятли соҳа — ички ишлар ходими сифатида Ватанга содиқ хизмат қилмоқда.

Олтинчи ўғлон Марс Маҳмудов ҳақида ҳам анчагина илиқ фикрлар, ҳавас ва ҳайратга тўла тавсифлар дилимизда ғужғон ўйнайди. Чунки бу йигит билагида қайнаб ётган кучини халқнинг биргина «Ҳалол!» деган олқишини эшитмоқ учун сарфлаётир. Жумладан, дзюдо кураши бўйича мамлакат кубоги соҳиби бўлган баҳодир шу спорт туридаги терма жамоа аъзоси ҳамдир. Қаршидаги нуфузли олий ўқув юртини тамомлаган курашчи айни пайтда «Ёшлик» спорт жамиятида мураббийлик қилмоқда.

Рўзиқул полвоннинг қизлари-да, ҳаётини саломатлик ва шижоат рамзи бўлмиш — спорт билан узвий боғлагани ҳақида юқорида тилга олиб ўтгандик. Венера қизи дзюдо кураши бўйича вилоят биринчилигида зафар қучганида спортсевар ота ўн қувонди. Унинг ҚарДУни тамомлаб, мураббийлик ишини бошлаганида эса фахрий полвон шодлигининг чеки бўлмади. Чунки хотин-қизлар спортини ривожлантиришда маҳаллий аёл мутахассисларнинг кўпайиши муҳим ўрин тутарди. Шу тариқа Бекламиш қишлоғида Венерага ҳавасманд спортчи қизлар сони ошиб борди. 119-ўрта умумтаълим мактабининг хотин-қизлар жамоалари вилоят ва республика мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, чекка қишлоқ қизлари мамлакатимизда аньана тусига кирган уч босқичли спорт тадбирларининг безаги бўлишди.

Элмира волейболни яхши ўйнарди. Қолаверса, у Қарши педагогика коллежида ўқиш даврида бадиий гимнастика сирларини ҳам ўзлаштирди. Айни чоғда Қарши давлат университетининг 2-босқичида таҳсил олаяпти.

«Ўхшатмасдан учратмас», дегани тўғрими ёки Рўзиқул полвон соғлом онадан соғлом фарзандлар туғилишини яхши билгани учунми, келинни ҳам спортчилардан танлади. Яъники, тўртинчи фарзанд Чориёрнинг рафиқаси Гулнозахон Бўронованинг бадиий гимнастика сирларини ўргангани ва бугунги кунда 2-БЎСМда Кўкдала хўжалигидаги 60 нафардан зиёд қизга нафис спорт тури сабоқларини бераётгани сўзимиз исботидир...

Набиралар орасида таниқли курашчиларга адаш бўлганлари кўп. Масалан, Рўзиқул ака бир неварасига курашимиз юлдузи Махтумқули Маҳмудовга ҳавас билан Махтумқули исмини берган. Фахриддиннинг ўғли Зафар, Шерзоднинг дилбанди Лочин гарчи ёш бўлса-да, кўпгина мусобақаларда қатнашиб, маҳоратини ошириб келишмоқда. Зафар ўтган йили дзюдо кураши бўйича ўтган вилоят биринчилигида иккинчи ўриндан жой олган бўлса, «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг туман босқичида биринчи поғонани банд этди. Демак, авлодлар сулола анъанасига содиқ...

УЛБОШ МОМО

Улбош момонинг курашга, спортга бўлган муҳаббати юксак эканини юқорида тилга олиб ўтгандик. Дарҳақиқат, шундай. Улбош момо ўғиллари, набиралари қатнашган спорт баҳсларини бевосита мусобақа жойидан кузатиш учун Тошкент, Чирчиқ, Қарши, Самарқанд шаҳарларига бориб, ишқибозлик қилган оналардан. Дилбандларининг ғалабасидан қалби қувонч ва шукроналик ҳиссига тўлса, ҳакамлар ноҳақлиги ёхуд мағлубликка (спортда ютуқ ва мағлубият ёнма-ён) рўбарў келганда онаизор юраги алам ва армонга тўларди. Шуниси эътиборлики, спортсевар онахонга ижодкорлик ҳам бегона эмас. Оддий ўзбек аёли, меҳрибон уй бекаси шеърият шайдоси, мутолаани хуш кўради. Рўзғор юмушларидан ортиб, ижод қилади. 2013 йилда онахон кўнгил кечинмалари ва дил кўзгусини қалам изига солиб, «Тўёна» аталмиш шеърий тўпламни нашрдан чиқартирди. Тўпламнинг «Тўёна» деб номланишида ҳам маъно ва мақсад мужассам. Яъни, Улбош момо бу китобини мард ва танти умр йўлдоши Рўзиқул полвон Маҳмудовнинг 60 ёшлик юбилей тўйига тўёна қилди. Тўпламдан ўрин олган Марс полвонга аталган битиклар, айниқса, эътиборни тортади.

НЕ ҚИЛСА, БОР ИМКОНИ

— Синглимнинг ҳам девкелбат ўғиллари бор, — дея ҳикоя қилади Улбош момо. — Болалигида тўйкурашларда тенгқурларини гурс-гурс йиқитганда синглимга дердим: «Ўғилларингни спортга беринглар. Мана, бўлалари Чирчиқдаги, Тайлоқдаги, Қаршидаги спорт интернатларида, Олимпия захиралари коллежларида таҳсил олишяпти. Куёвга айт, шунинг шароитини қилсин, насиб бўлса, ўғилларингдан чемпионлар чиқса, не ажаб.

Бироқ улар бу масалага жиддий қарашмади. Девдай-дедай ўғиллардан спортчи чиқмади. Аслида, ҳеч бир маррага осонликча эришилмайди. Мисол учун, болангизнинг спортга лаёқати бор, дейлик. Уни яхши мураббий топиб, машғулотига шароит яратинг. Машқларда тобланяптими, тез-тез мусобақаларга жўнатиш пайида бўлинг. Чунки ҳар қанча шуғулланса-да, мусобақа кўрмаган боладан спортчи чиқмаслигини болаларимнинг отаси бот-бот такрорлайди. Албатта, мусобақада қатнашиш ўз-ўзидан бўлмайди. Ҳомий ташкилот қўлласа-ку яхши, ҳомийлар топилмаган пайти сафар сарф-харажатлари ота-она зиммасига тушиши аниқ. «Болам спортда яхши натижаларга эришсин», деган ота-она масаланинг бу томонларига ҳам эътиборли бўлиши зарур.

Яратганга минг қатла шукр, спортга ошно тутиниб, болаларим ёмон йўлга кирмади. Кетма-кет ўғил фарзандларнинг туғилиши туфайли уйимизда аёл кишининг юмуши кўп бўларди. Бироқ хўжайиним ҳам, ўғилларим ҳам уй-рўзғор юмушларида қараб туришмасди. Турмуш ўртоғим эрта тонгдан то ишга кетгунича талай юмушларимга кўмаклашса, фарзандларим машғулот пайти кир бўлган яктакларини ювиб, кўйлак ва шимларини ўзлари дазмоллашарди... Бу меҳнатсеварлик, аёл ва онага эҳтиромнинг шаклланишида спортнинг тарбиявий томони кўп бўлган, деб ҳисоблайман...

Дарҳақиқат, қайсики оилада спортга меҳр бўлса, бу хонадонда тинчлик, ўзаро меҳр-оқибат, ватанпарварлик устувор бўлади. Қолаверса, спорт ҳар томонлама имконлар, саломатлик, ривож ва зафарлар калитидир. Зеро, Улбош момо Рўзиева турмуш ўртоғи ҳақидаги шеърида ёзганидек:

Бор олтита ўғлони,
Элимизнинг полвони.
Спортдан топди камол,
Не қилса, бор имкони.

Олтмишга борган ёши,
Қирчиллама йигитдай.
У уйимиз қуёши,
Осмондаги бургутдай...

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан,чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 314-уй манзилида жойлашган умумий майдони — 444 кв.метрга тенг бўлган фаолият кўрсатмаётган цех биноси.

Бошланғич нархи — 476 590 100 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

2. Тошкент шаҳар Олмазор туман ҳокимлиги тасарруфидаги Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Зиё кўчаси 12-уй манзилида жойлашган умумий майдони — 58 кв.метрга тенг бўлган томорқа хўжалиги биноси.

Бошланғич нархи — 122 373 943 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар Олмазор туман ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»уй. Тел/факс: (8-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2014 йил 27 октябр куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 10, 24 ноябр ва 9 декабр кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (8-371) 228-84-48. Факс: (8-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси «Телекоммуникация транспорт тармоғи филиали» 8-боғламаси касаба уюшма қўмитаси раиси Гавҳар Қудратовага онаси

Орзигул ая УСМОНОВАнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Газета ва ГАЗЕТХОН

Ishonch

2014-yil 20-sentabr № 117 (3466)



ҚИШЛОҚДА ТЎЙХОНА

Қамаши Қашқадарё вилоятининг аҳолиси зич жойлашган туманларидан бири. Ҳудудда амалга оширилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Ўрта Чим қишлоғи аҳолиси яна бир қулайликка эга бўлди. «Жўраев Санжарбек» МЧЖ раҳбари Абдуманнон Қодиров «Алоқабанк»дан олган имтиёзли кредити эвазига 800 ўринли тўйхона қуриб битказди. Қишлоқ кўркига кўрк бериб турган бу муҳташам бинонинг очилишида меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорлари, шунингдек, камхарж оила фарзандлари ҳам таклиф этилиб, уларнинг суннат тўйлари ўтказилди. Тўй болаларга ҳомийлар совғаси топширилди. Салкам ярим гектарни ташкил этадиган иншоот қошида новвойхона, сартарошхона, дорихона, маданий-маиший, савдо хизмати кўрсатиш шохобчалари хизмат кўрсата бошлади.

«Ширинабону» деб номланган тўйхона ҳовлисида рангли фаввора қурилганлиги нур устига аъло нур бўлди.Ишга туширилган бу маданий маскан қурилишини шаҳрисабзлик Обид Тўйчиев, фаввора қурилишини эса Шерзод Ҳайдаров бошлиқ қаршилик усталар амалга оширишди.

Шавкат СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

Ўқинг, бу — қизиқ!

Спорт соҳасида ҳуқуқий ҳимоя қилинадиган интеллектуал мулклар қаторида олимпия рамзлари алоҳида ўрин тутади. Буларга олимпиада тимсоли, байроғи, шиори, мадҳияси, олови, машъаласи ва бошқалар киради. Уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатлар Олимпия Хартияси нормалари билан тартибга солинади.

ОЛИМПИЯ РАМЗЛАРИ

Олимпиада тимсоли 1913 йилда Пер де Кубертен томонидан таклиф этилиб, ХОҚ томонидан тасдиқланган. Унинг расмий тасвири ХОҚнинг штаб-квартирасида сақланиб, бир ёки беш рангли олимпия ҳалқаларидан иборат. Ҳалқалар қатъий тартибда жойлашган бўлиши керак, яъни чапдан ўнгга қараб устки қаторда мовий, қора, қизил ва пастки қаторда сариқ, яшил рангдаги бир-бирига кириб турган ҳалқали трапеция шаклида бўлади. Олимпиада тимсоли беш қитъа — Европа, Африка, Америка, Осиё ва Австралия қитъаларини ифодалайди.

Олимпиада тимсолидан реклама ва бошқа тижорат мақсадида фойдаланиш тақиқланган. ХОҚ ижро бюроси белгиланган шартлар асосида олимпиада тимсолидан фойдаланиш учун рухсат бериши мумкин. ХОҚ Миллий олимпия қўмиталари билан ҳамкорликда ва унинг розилиги билан тегишли мамлакатларда чиқариладиган почта маркаларида олимпиада тимсолидан фойдаланиш рағбатлантирилади.

Олимпиада байроғи марказида беш рангда олимпиада тимсолининг тасвири туширилган ҳошиясиз оқ матодан иборат бўлиб, 1913 йилда Пер де Кубертен таклифига биноан ХОҚ томонидан тасдиқланган. Байроқнинг дизайни ва пропорциялари Пер де Кубертен томонидан 1914 йилда Париж конгрессида ХОҚга совға қилинган байроқ билан мос келиши керак.

1920 йилда Белгия МОҚ томонидан ХОҚга тақдим этилган тилла рангли шокила билан ҳошияланган, кашмали оқ атлас матодан тикилган байроқ Олимпия ўйинларининг расмий байроғи сифатида қабул қилинган. 1952 йилда ХОҚга Норвегия пойтахти Осло шаҳри томонидан тақдим этилган худди шу кўринишдаги байроқ эса қишки Олимпия ўйинларининг расмий байроғи сифатида қабул қилинган. Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросимида аввалги ўйинларга мезбонлик қилган шаҳар вакили расмий байроқни ХОҚ президентига топширади. У эса, ўз навбатида, ушбу байроқни ташкилотчи шаҳар ҳокимига кейинги тўрт йил давомида шаҳар маъмурияти биносида сақлаш учун тақдим этади.

Олимпиада шиори «Citius, Altius, Fortius» («Тезроқ, баландроқ, кучлироқ») ХОҚ нинг Олимпия ҳаракати иштирокчиларига мурожаатини ифодалайди. Ушбу шиор илк бор 1895 йилда Парижда Кубертеннинг дўсти ва сафдоши бўлган Мартин Дидон томонидан айтилган. 1913 йилда шиор ХОҚ томонидан тасдиқланган.

Олимпиада мадҳияси 1896 йилда Афинадаги I Олимпия ўйинларига атаб ёзилган. Мадҳиянинг сўзлари Костас Паламос, мусиқаси эса Спирос Самаросга тегишли. Мадҳия расмий равишда 1958 йилда ХОҚ нинг 55-сессиясида Токиода тасдиқланган. Ҳар бир МОҚ ўз мамлакатида Олимпия хартиясининг Олимпиада рамзларини ҳимоя қилиш ҳамда улардан фойдаланишга оид бўлган қоидаларига риоя қилинишига ХОҚ олдида жавобгардир. Ҳар бир МОҚ ХОҚ манфаатларини кўзлаган ҳолда «Олимпия» ва «Олимпиада» номларининг муҳофазасини ҳам таъминлашлари лозим.

Халқаро ҳуқуқнинг бундай қоидалари миллий қонунчилигимизда ҳам ўз аксини топган. «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун буни амалда ифодалайди.

Олимпиада олови — Олимпия ўйинларининг очилиши ва ёпилиши маросимларидаги асосий таомиллардан бири. Олов ХОҚ нинг раҳбарлигида Олимпиада қуёш нурларидан ёндирилади.

Олимпиада машъаласи — дастали жом шаклида бўлиб, 55 см. баландликка ва 900 г. оғирликка (суюлтирилган пропан ва бутан аралашмаси тўлдирилган балон билан биргаликда) эга бўлади. Аралашманинг ёниш даври 10 дақиқадан кам бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси олимпиа нишони Олимпиада тимсоли, яъни беш ҳалқа, унинг юқори қисмида эса қанотларига «Ўзбекистон» сўзи туширилган Ҳумо қуши тасвиридан иборат бўлиб, у ХОҚ Ижроқўми томонидан тасдиқланган.

Н. ҚУРБОНОВА,
А. ҲАЁТОВ

САВОЛ. Ипотека кредити олиш учун кимга мурожаат қиламиз?

Н.САДУЛЛАЕВ,
Нукус шаҳри

ЖАВОБ. Қарз олувчи ипотека кредити олиш учун банкга ариза билан мурожаат қилади, банк ходими мижозга ипотека кредитининг асосий йўналишларини тушунтириб, ипотека кредити бериш юзасидан буюртманомани расмийлаштириш учун талаб этиладиган барча ҳужжатлар рўйхатини тақдим этади.

САВОЛ. Ипотека нарсасини ўзгартириш тартиби қандай амалга оширилади?

Г.УТЕБАЕВА,
Хўжайли тумани

ЖАВОБ. Ипотека нарсасини алмаштириш зарурияти туғилган ҳолларда ипотека нарсаси ипотекага олувчининг розилиги билан алмаштирилади. Нотариус ипотекага олувчининг ипотека нарсасини алмаштиришга розилиги ҳақидаги юридик шахснинг ёзма шаклдаги хабарномаси (бошқа тегишли ҳужжатлар) жисмоний шахснинг нотариус ёки консуллик муассасаларининг консуллари томонидан тасдиқланган аризаси асосида ипотека нарсасини алмаштириш тўғрисида битимни тасдиқлайди. Гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддатини узайтириш муносабати билан ипотека шартномасига ўзгартириш киритиш ҳақида ҳам битим тузилади. Ипотека шартномаси бўйича ипотека нарсасини алмаштириш ёки гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддатини узайтириш муносабати билан ипотека шартномасига ўзгартириш киритиш ҳақида битим тузиш учун суғурта шартномаси ва суғурта полиси асосий мажбурият тўғрисидаги шартнома бўйича ипотека нарсасини алмаштириш ёки гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддатини узайтириш ҳақида ипотекага қўювчи ва ипотекага олувчи ўртасида тузилган қўшимча битим талаб этилади. Ушбу ҳужжатлар ипотека шартномасига қўшиб тикилади. Бу ҳақида реестрга ва алифбо китобига ёзиб қўйилади.

САВОЛ. Қандай мол-мулклар ипотека нарсаси бўлиши мумкин эмас?

Ш.АББАЗОВ,
Қонликўл тумани

ЖАВОБ. Муомаладан чиқарилган ва тасарруфдан чиқарилиши мумкин бўлмаган кўчмас мулк ипотека нарсаси бўлиши мумкин эмас. Қонун ҳужжатларида мажбурий хусусийлаштирилиши назарда тутилган ёки хусусийлаштирилиши тақиқланган ёхуд чекланган корхоналар ва мол-мулк турлари ҳамда гуруҳлари ҳам ипотека нарсаси бўлиши мумкин эмас.

Саволларга Нукус шаҳри 1-ДНИ нотариуси А.АЙТНИЯЗОВА жавоб берди

Миннатдорлик

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Ҳурматли таҳририят!

Сизларга йўллаган аризам юзасидан таҳририятнинг Жиззах вилояти бўйича мухбири А.Азимов журналист суриштируви олиб борди. Туманимизга ташриф буюриб, аҳволни обдон ўрганди.

Мухбирнинг холислик билан иш тутиши, ишга алоқадор шахслар билан қилган музокаралари ўз самарасини берди. Ҳатто судларнинг турли хил кўринишдаги қарорларига барҳам берилиб, адолат қарор топди.

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят суди аппеляция инстанциясининг 2014 йил 29 майдаги 3/101-14 рақамли ажрими билан менинг раҳбарлигимдаги «Лочин» хусусий чорвачилик фирмасига тегишли ерга ноқонуний қурилган уй ва қўйхона бузиб ташланиб, ер майдони фирма ҳисобига қайтарилди.

Арзимни тинглаб, унинг адолатли ҳал этилишига кўмаклашганингиз учун сизларга чуқур миннатдорчилик билдираман. Инсонларга наф келтиришдек олийжаноб фаолиятингизда муваффақият тилайман.

Ботир МИРЗАЕВ,
Бахмал туманидаги «Лочин» хусусий чорвачилик фирмаси раҳбари

Муҳокама учун мавзу

Яхши эслайман: маҳалламизда тилга олса арзигулик одамлар анчагина эди. Искандар ака, Тўрахўжа ака, Турғун қори ака, Муаззим ака. Эътиборлиси, эл олдида уларнинг гапи ерда қолмасди. Айниқса, Муаззим аканинг кенг мушоҳада ила чиқарган хулосалари маҳалладошларимиз томонидан «фалончи ундай дедилар, бу ишни қилмасак уялиб қоламиз», дея хайрихоҳлик билан қабул қилинарди.

ОБОДЛИКНИ КЎНГИЛГА ТУГИБ

Маҳаллада ободонлаштириш ишлари бўладими, ёинки турли маросимлар дейсизми, маҳалла раиси Тўрахўжа ака ва унинг атрофидагиларсиз ўтмасди. Ёшлари анча улуғ бўлса-да, Қодир заргар, Абдуқодир аллоп, Очил қори акалар ҳам Тўрахўжа ака нима деса, айтганларини сўзсиз маромига етказиб бажаришарди. Чунки маҳалла катталаридан бирон-бир ножўя гап ёки иш чиқмаслигига ишонишарди.

Ўша вақтлари қизиқ бир воқеанинг шоҳиди бўлгандим. Маҳалланинг шўх, айтганим-айтган дейдиган йигитларидан бири Абдусаттор Қодир заргарнинг ўғли билан гап талашиб қолиб, жаҳл устида уларнинг кўчага қараган деразалари ойнасини чилчил синдириб ташлаганди. Дарҳол милиция келиб, гуноҳкорни оёғини ерга теккизмай олиб кетди. Маҳалла фаоллари йиғилишди. Қарашса, ота-онаси қартайиб қолган Абдусаттор қамалиб кетадиган. Ҳар галгидек Муаззим ака ўртага тушиб, «тўполончи»ни кафилликка олиб, милициядан олиб чиқишни таклиф этди. Дадамнинг айтишларича, Қодир заргар Абдусатторга ҳеч қандай даъвоси йўқлигини айтиб, ҳатто уни бутун маҳалла бир бўлиб уйлантириб қўйишни таклиф этган ва ўзи ҳам қараб турмаслигини таъкидлаб, маҳалладошларини бу ишга рағбатлантирган. Охир-оқибатда бу таклифни барча маҳалладошлар қўллаб-қувватлашади. Тўй ниҳоятда файзли ўтганини дадам яқин-яқингача гапириб юрардилар. Абдусаттор ака ҳам маҳалла фаолларини бир умр бошига кўтариб:

— Қамалиб кетаётган жойимда, мени чиқариб олиб, яна яхши бир оилага куёв қилиб қўйишган, — дея ҳурматларини жойига қўярди.

Маҳаллага бириктирилган милиция ходимини айтмайсизми! Ҳар бир хонадонда нима иш бўлаяпти, ким ўғри-ю, ким тўғри — баридан бохабар. Ёдимда, ўша вақтларда қўйди-чиқдилар камдан-кам бўларди. Маҳалла раиси ва фаоллар барча нарсани аҳилликда бартараф этиб, маҳалладошларининг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилишарди. Раҳматли Искандар ака маҳаллада қандай тадбир бўладиган бўлса, ҳар бир хонадонга бирма-бир кириб хабар оларди. Мабодо, бирон-бир кимсанинг ножўя ҳаракатини пайқаб қолгудек бўлса, насиҳатини аямасди. Шуларни эсласам, ҳақиқатан ҳам бир болага етти қўшни ота-она, деган мақол қанчалик тўғрилигига имон келтираман...

Истиқлол йилларида мамлакатимизда маҳаллалар нуфузи ҳамда турмуш тарзимизда тутган ўрни янада юксалди. Маҳалла фуқаролар йиғини раислари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори ҳамда фаоллар билан биргаликда маҳаллаларда кенг миқёсда ободонлаштириш, тарбиявий ҳамда турли тадбирларни амалга оширяпти. Айнан шундай маҳаллалар сирасига Тошкент вилояти Паркент туманидаги Шарофиддин Эшматов раислик қилаётган «Истиқлол», Қибрай туманидаги Феруза Тошматова раис бўлган Беруний номли, Зангиота туманидаги Мурод Мирзахалилов бош бўлган Файзиобод каби бир қатор маҳаллаларни киритиш мумкин. Ушбу маҳаллалардаги ободончилик ҳавас қилгулик даражада. Пскент туманидаги Жўрақул Отақулов раислик қилаётган Ойбек номли маҳаллада эса фаолларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида бирорта оилада ажралиш ҳолатлари содир бўлмаган.

Лекин гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек, яқинда бўлиб ўтган воқеа мени ўйлантириб қўйди. Бир маҳалла ҳудудидаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатида мажлис борарди. Кўп қаватли уйда истиқомат қилувчиларга ширкат раиси ҳисоб берди. Афсуски, шу кунги мажлисга маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳамда ширкат раиси қанчалик тайинлашмасин, бармоқ билан санарли киши йиғилди. Иштирокчиларнинг гаплари-ю, ўзларини тутишларини кузатдим. Бирови боғдан келса, бошқаси тоғдан келарди. Умуман, бир-бирларини тушуниш деган нарсанинг ўзи йўқ.

— Кейинги вақтда кўпқаватли уйда яшовчилар билан тил топишиш ниҳоятда қийинлашиб кетди, — дейди ширкат етакчиси. — Йўлакдан тахминан 50 метрлар чамаси нарироқда махсус жой бор. Чиқиндиларни шу ерга олиб бориб ташлашга ҳам сабрлари чидамай, шундоққина уйга кираверишга тўплаб қўйишади. Бунинг устига уй олдига ҳафталаб супурги тегмайди. Юқори қаватда турувчиларнинг айримлари сигарет қолдиқларини уялмай-нетмай пастга улоқтиришларини нима билан изоҳлаш мумкин?

Уй атрофини айландик. Турли чиқиндилардан оёқ қўйишга жой йўқ. Боз устига кўкаламзорлаштиришда ҳам сансалорлик.

— Ўтган куни ҳашар эълон қилдик, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси. — Ширкат ходимлари — сантехник, электр устасини ҳисобга олмаганда, шунча аҳоли яшайдиган уйдан 2-3 нафар кишигина тушди, холос. Ахир уй атрофи қанчалик тоза, кўкаламзор бўлса, ўзимизга яхши эмасми?

Бундай манзарадан хижолат тортиб, ёнимда турган ўрта яшар кишидан:

— Наҳотки бу уйда турувчилар тоза жойда фаришталар юришини-ю, ифлос жойда бунинг акси бўлишини билишмаса? — деб сўрадим.

— Э, ука, бунақа ишларга бизни аралаштирманг. Манави ширкат раиси ҳадеб илтимос қилаверганидан сўнг мажлисга келишга мажбур бўлдим. Нима, менга бошқаларга қараганда кўпроқ керакми? — деди энсаси қотиб.

Унинг гапини эшитиб бир йили хизмат сафари билан Фарғона шаҳрига борганлигим, шаҳар кўчаларини айланганим ёдимга тушди. Кўрганларидан шеригим жўшиб кетиб:

— Ўзбекнинг ўзбекчилигини билдирадиган жамбилу райҳонлари-да. Қаранг, қандай чиройли. Барқ уриб ўсиб ётибди. Экканнинг отасига балли, — деб юборганди ўшанда.

Ажабо, нега энди кўпқаватли уй атрофини жамбилу райҳонлар, киши баҳри-дилини яйратувчи гулларга буркаб ташламаймиз. Нима, бу шунчалар оғир юмушми?

Ҳурматли газетхон, сиз бунга нима дейсиз?

Неъмат РАФИҚОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:

Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev

Navbatchi: A.Arslonov

Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -22.20 Topshirildi -23.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 915 | 13972 nusxada bosildi | 1 2 3 4